

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан
2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодий ислохотларни
чуқурлаштириш борасида амалга оширилган ишлар якуни ҳақида
МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган 2016 йил 15 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” номли маърузасида қайд этилган хулоса ва кўрсатмалар ҳамда вазифалар, белгилаб берилган устувор йўналишлар вазирлик ва тизимдаги барча ташкилот, корхона ҳамда муассасаларда дастуриламал сифатида қабул қилиниб, жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳанинг барча тармоқларини модернизация қилиш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш, иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлайдиган ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ҳисобот даврида қуйидаги натижаларга эришилди.

2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида:

амалдаги баҳоларда 19 трлн. 826 млрд сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёслама баҳоларда 106,8 фоиз ўсишга эришилди;

вазирлик тизимида таққослама баҳоларда 110 млрд. 171,3 млн. сўмлик (2015 йилда 105,5 млрд сўм, ўсиш 104,4%) саноат маҳсулотлари ва 15,0 млрд. сўмлик (ўсиш 113,1%) халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқарилди.

“Мамлакатнинг 2016 йил товарлар ва хизматлар экспорти дастури” доирасида вазирлик тизими бўйича жами 2 млн. 845,7 минг долларлик (прогнозга нисбатан 242,7%) товарлар экспорт қилинди.

ҳисобот даврида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 408,2 млрд. сўм (2015 йилнинг шу даврида 348,6 млрд сўм, ўсиш 117,1%) ҳажмида капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 252,5 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарорига асосан республика Ҳукумати қарорати остида Манзилли дастурлар доирасида вазирлик томонидан 13 та лойиҳа бўйича ҳисобот даврида амалда 42,7 млн доллар ёки прогнозга нисбатан 100,2% маблағлар ўзлаштирилди.

“Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури” бўйича 2016 йилда жами 422,0 млрд сўмлик (2015 йилда 350,4 млрд сўм) бюджет маблағлари ўзлаштирилиши мўлжалланиб, ҳисобот даврида 218,6 млрд сўм (йиллик прогнозга нисбатан 52%) маблағ ўзлаштирилди. Йил давомида ушбу маблағлар ҳисобига 319 минг гектардан зиёд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 февралдаги “2014–2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни

махаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги ва 2015 йил 11 февралдаги “2015–2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги қарорлари асосида тизим корхоналари томонидан 16 та лойиҳа бўйича 10 млрд. 637,6 млн. сўмлик (прогнозга нисбатан 100,3%) маҳсулот ишлаб чиқарилди (2015 йилнинг шу даврида 13 та лойиҳада, 10,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган);

IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тизимдаги корхона ва ташкилотлар томонидан мамлакатимиз саноат корхоналаридан маҳсулот харид қилиш бўйича умумий қиймати 96 485,7 млн. сўмлик (ҚҚСсиз), экспортга маҳсулот чиқариш бўйича 8280,0 минг АҚШ доллари миқдоридан шартномалар тузилди;

ҳисобот даврида тузилган шартномаларга асосан 51 млрд. 103,7 млн. сўмлик (2015 йилда 35,6 млрд сўмлик) маҳсулотлар харид қилинди.

вазирлик тизимида инвестиция, маҳаллийлаштириш, касаначилик ва соҳанинг турли тармоқларини ривожлантириш мақсадли дастурлари доирасида жами 14264 та (прогнозга нисбатан 105,8 %) янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 25 апрелдаги “Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ер участкаларидани самарали фойдаланиш, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, фермерларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш мақсадида уларнинг ер участка ҳажмларини мақбуллаштириш юзасидан қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги № 01-03-12-16–сонли баёнининг ижросини таъминлаш юзасидан, жорий йилда фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларидан самарали фойдаланилиши, уларнинг молиявий иқтисодий ҳолатининг барқарорлиги, контрактация шартномаларини бажарилиши, кишлоқ жойлардаги аҳоли учун янги иш ўринларини яратилиши каби кўрсаткичларни чуқур таҳлил этган ҳолда фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари мақбуллаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Мақбуллаштириш яқунлари бўйича жорий йилнинг 1 июль ҳолатига республика бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжаликларининг сони **жами 160 минг 372 тани** ташкил этиб, уларга жами **3 млн. 576,4 минг гектар** экин ер майдони бириктирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда фермер хўжаликларини моддий манфаатдорлиги таъминлаш ва рағбатлантириш ҳамда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлар асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, вазирлик тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш орқали соҳа иқтисодиётини ривожлантиришнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш бўйича барча ташкилий чоралар кўрилмоқда.

Ахборот хизмати